Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 10 сентябрь • Шанба • № 71 (14232) ترکستان ✽ TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 сентябрь куни Японияннинг тезкор ахборот ва тадқиқот жамғармаси раиси Юичиро Нагатоми бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбатда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, бозор муносабатларига ўтиш шароитида қилинаётган ишлар ҳақида фикрлашилди. Япония ишбилармон доираларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилиши боис мамлака-тимиз ҳақидаги ахборотларга қизиқиш тобора кучайиб бораётгани таъкидланди.

— Омилкорлик япон халқига хос хусусият, — деди Ислом Каримов. — Мулоҳазакорлик, етти ўлчаб бир кесиш бизга ҳам қадимдан одат. Бироқ ҳамма нарсада меъёр бўлиши зарур. Менимча, биз билан ҳамкорлик қилишга интилаётган дунёга машҳур "Мицубиси", "Марубени", "Мицуи", "Панасоник" каби компаниялар сусткашликка йўл қўймоқда. Фикримча, амалий ишга киришадиган вақт келди.

Меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, мамлакатимиз раҳбарининг фикрларини маъқуллади. Ҳар жиҳатдан имкониятлари беқиёс Ўзбекистон билан Япония ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик тез орада самара беради, деб ишонч билдирди. Бу ишга ўзи ҳам қўлдан келганича ҳисса қўшажагини айтди.

Қабул маросимида Бош вазир ўринбосари Ў. Султонов, Японияннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укэру Магосаки ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

(ЎзА).

БОБОМ УЛУҒЛАГАН ТАНТИ ДЕҲҚОНИМ, БАРАКАЛИ БЎЛСИН УЙГАН ХИРМОНИНГ

ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАР ПАХТАЗОРЛАРИДА "ЗАНГОРИ КЕМА"ЛАР СУЗА БОШЛАДИ

"Бу йилги куз сербарака келди", дейишмоқда бободеҳқонларимиз. Ҳақиқатан ҳам мустақиллигимизнинг уч йиллик байрами арафасида бошланган пахта терими кундан кунга авжига чиқмоқда. Мамлакатимиз далаларида пахта йиғим-терими қизғин паллага кирмоқда. Бу газетамизга келаётган хабарлар оқимидан ҳам кўриниб турибди.

"Техника — деҳқоннинг қаноти", дейишади. Айни кунларда ҳар бир хўжаликда машина теримига пухта тайёргарлик кўрилаётгани-ю, республикамизнинг жанубий вилоятларида машина теримига киришилаётгани ҳам юқоридаги фикрнинг исботи бўла олади, десак адашмаймиз.



ҲАР ЙИЛГИДАН БАРВАҚТ

Ўзбекистон мустақиллигининг 3 йиллиги байрамини катта ютуқларга эришган ҳолда нишонлаган Шеробод тумани пахтакорлари, Сурхондарёда биринчилар қаторида машиналарда ҳосил йиғиб теришга киришдилар. Шоди Қаҳҳоров ва Чори Мамаражоновлар раҳбарлик қилаётган Туропов номли ҳамда Қодиров номли хўжаликлар меҳнаткашлари бу ишни биринчи бўлиб бошладилар.

Бир неча кундирки, ҳосили оппоқ очилган далаларда терим агрегатлари ораламоқда. Ҳозиргача уйилган хирмон бир неча юз тоннани ташкил этди.

— Механик-ҳайдовчиларга қулай иш шароити яратилганлиги ва ғўзаларнинг барги трактор аппраталари билан тўктирилганлиги учун ҳосил тоза терилаётир, — деди туман ҳокимининг биринчи муовини Абдузоир Чориев.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалик соҳасини иқтисодий рағбатлантириш ва эркинлик бериш тўғрисидаги фармонидан хурсанд бўлган туман деҳқонлари бу йил теримни қисқа вақтда тугаллаш учун бел боғлаганлар.

Жовли ХУШБОҚОВ,
(ўз мухбиримиз).

НУР ОЛГАН ДАЛАЛАР

Деҳқон. Дунё яралибдики ҳар биримиз бу сўзни иззат ва ифтихор ила тилга олиб келамиз. Деҳқон деганда беихтиёр кўз ўнгимизда қўли қадоқ, меҳри қайноқ, меҳнати билан бир парча еридан эли учун ризқ яратган, "оқ олтин"дек қалби тоза, бокира инсон гавдаланади. Қишнинг энг сўнгги қори ердан кўтарилиши билан деҳқон ташвиши бошланади. У кетмонни елкасига олганича сахий даласига отланади. Пешона тери эвазига ширинданшакар тилерар хилма-хил полиз, дон ва мева-сабзавот, ҳазина саноғининг бири бўлган пахта етиштиради. Бободеҳқон ана шундай камтарона меҳнати билан бутун халқни боқади.

Куз, деҳқон ҳаётида энг масъулиятли бир давр эканига Бўка туманидаги "Камолот" деҳқончилик хўжалиги даласидаги ҳосилни кўриб яна бир бор ҳис этдик. "Камолот" деҳқон хўжалиги бу йил 105 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган экан. Бригадага қарашли 6 гектар майдонга буғдой экилганди. Гектаридан 30 центнер ўрнига 40 центнер, жами 24 тонна ҳосил кўтарилди. 10 гектар майдондаги маккажўхоридан 45 центнер, 22 гектар майдонда етиштирилган бедадан олинган ҳосил ҳам чакки бўлмади. Бунда моҳир сувчиларнинг хизматлари катта бўлди. 8 гектар ердаги пиёз, 4 гектар ердаги картошка ва 1 гектар майдондаги помидор ҳам кўзланганидан зиёд ҳосил берди.

Жамоа аъзолари яхши ният билан эрта баҳорда 42 гектар майдонга чигит қадашган эди. Ягана, қатор ораларига ишлов бериш ва ғўза баргларини чилпиш сифатли ўтказилди. Ҳозирда қўл терими бошлаб юборилган. Эндиликда пахта майдонлари тўла дефолиация қилиниб, машина теримига ҳозирлаб қўйилди. Хўжалик механизатори Отабой Йўлдошев ўз агрегатини терим мавсумига шай қилган ҳолда 110 тонна хирмон кўтаришга бел боғлаган. Саноқли кунлардан кейин хўжалик пахтазорларида "зангори кема"лар суза бошлайди.

— Ҳозирги қийин шароитда кишилар манфаатини кўпроқ ўйлаб иш қилаяпмиз, — дейди деҳқон хўжалиги раҳбари Абдурашид Абдураҳмонов. — Жамоамиз аъзоларининг бригада даласида етиштирилган маҳсулотлар билан таъминлаб турибмиз. Даланинг ўзида бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Чунки асосий маҳсулотлар бригада томорқасидан олинади-да.

Биз шу куни деҳқон хўжалиги раҳбари А. Абдураҳмонов билан дала айландик. Чевар теримчилар билан суҳбатлашдик. Ҳар бир туп ғўзада оппоқ бўлиб очилаётган пахта қуёш нури таъсирида ловлов ёниб кўзни қамаштиради. Бу лўппи бўлиб очилаётган ҳар бир чаноқнинг бунёд бўлишида жамоа аъзолари қатори, уста деҳқон Абдурашид аканинаг ҳам хизматлари беқиёсдир.

Оппоқ момиқ пахталарни териб қўлимга оларканман дилимда сатрлар туғилди

"Бобом улуғлаган танти деҳқоним.

Баракали бўлсин уйган хирмонинг"...

Гули ЖАҲОН,
Бўка тумани.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

НАҚД МИЛЛИЙ ВАЛЮТАНИ ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТАГА АЛМАШТИРИШНИНГ ЧЕКЛАНГАН СУММАСИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Нақд миллий валютани эркин муомаладаги валютага алмаштиришнинг чекланган суммасини кўпайтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини аҳоли томонидан эркин муоаладаги валютага алмаштириш имкониятларни янада кенгайтириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 июлдаги 379-сон қарорини қисман ўзгартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсиники, шу йилнинг 10 сентябридан бошлаб "сўм"ларни вакил қилинган банкларнинг ихтисослаштирилган алмаштириш пунктлари оқали эркин муомаладаги валютага алмаштириш суммаси Ўзбекистон Республикасининг фуқаросибўлган бир жисмоний шахс (ёки унга тенглаштирилган резидент) ҳисобига 1994 йил охиригача (илгари алмаштирилган суммани назарда тутган ҳолда) 1000 АҚШ долларигачани тащкил қилиши мумкин.

2. Бундан буён нақд миллий валютани эркин муомаладаги валютага алмаштириш миқдорлари ва тартиби тўғрисида масалаларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Маркази анкига юклансин.

3. Мазкур қарорнинг назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. Каримов.

Тошкент шаҳри,
1994 йил, 9 сентябрь.

«ТАФАККУР» ЖАМОАТЧИЛИККА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Тошкентда янги журнал — республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази нашри "Тафаккур" журналининг тақдимоти бўлди. Маросимни республика Президентининг матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст очди.

— Республика Президентининг Фармони билан "Маънавият ва маърифат" маркази ташкил этилганидан хабарингиз бор, — деди у. — Фармонда мазкур марказ қошида журнал нашр этиш ҳам кўзда тутилган эди. Бугун ана шу "Тафаккур" журналининг нишона сони қўлимизга тегди. Бу адиблар, олимлар, зиёлилар, бутун жамоатчилик ҳаётида қувончли воқеадир. Ўйлаймизки, журнал жамиятнинг барча қатламларининг куч-ғайратини бирлаштиришга хизмат қилади, адолат тамойиллари ҳамма нарсадан устун бўлган маърифий жамият тузишимизда бизга йўлдош бўлади.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, шунингдек, сўзга чиққанлар журналнинг нишона сони қисқа вақтда дунё юзини кўришида камарбаста бўлган ижодкорлар, журналистлар, айниқса матбаа ходимлари меҳнатини таъкидладилар. "Тафаккур" фикр минбари бўлишига, бой маънавий меросимизни, асрий қадриятларимизни тарғиб этишига, теран тарихимизни ўрганиш, миллий мафкурамизни шакллантириш, келажаги буюк давлат барпо этиш йўлидаги фикру ўйларимизни, орзу-истакларимизни ўзида мужассам этишига ишонч билдирдилар.

Маросимда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мустақиллигингизнинг уч йиллиги байрам қилинаётган кунларда Сизга энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Шу йил апрель ойида мамлакатингизга давлат ташрифи билан борганимда Франция Ўзбекистон билан ишончли мулоқотга қай даражада аҳамият бериши тўғрисида гапириш имконига эга бўлган эдим. Ўзаро алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизнинг чуқурлашуви халқларимизнинг яқинлашувига хизмат қилсин.

Сизга чуқур эҳтиром билан,

Франсуа МИТТЕРАН,
Франция Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Ўзбекистон мустақиллиги байрами муносабати билан Ҳиндистон ҳукумати, халқи номидан ва шахсан ўз номимдан энг эзгу тилакларим ва самимий табрикларимни қабул этгайсиз.

Мен Сизнинг ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаган Ҳиндистонга сўнгги ташрифингизни илиқ туйғулар ила эслайман. Сизнинг раҳбарлигингиз остида Ўзбекистон бундан буён ҳам Ҳиндистон билан алоқаларни янада мустаҳкамлашига ишончим комил.

Фурсатдан, фойдаланиб, Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига фаравонлик ва равнақ тилайман.

Шанкар Дайал ШАРМА,
Ҳиндистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли қардошим Ислом Каримов!

Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан Сиз зоти олийларини, Сиз орқали қардош ўзбек халқини ўз номимдан ва турк халқи номидан қутлаб, энг яхши тилакларимни йўллайман.

Ўзбекистон зукко раҳбарлигингиз остида қўлга киритган муҳим ютуқлар ва халқаро миқёсда қозонган эътиборни қувониб кузатиб бормоқдаман.

Туркия-Ўзбекистон муносабатлари ва ҳамкорлиги ўтган уч йил ичида муштарак манфаатларимиз йўлида ажойиб самаралар берди. Ўзаро манфаатли бундай ҳамкорлик келгусида яна ҳам кенгайишига ишонаман.

Бу тарихий кунда Сиз зоти олийларига соғлиқ, бахт ва муваффақиятлар, қардош ўзбек халқига тинчлик ва фаравонлик тилайман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ,
Туркия Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳу.

Халқ ва ҳукумат номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сизни ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқини мустақилликнинг уч йиллиги билан самимий табриклашдан мамнунман.

Эзгу ният билан Сизни ишонтириб айтамизки, Афғонистон Ислом Давлати Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини юксак қадрлайди ва бу истиқлол янада мустаҳкамланишини тилайди.

Биз икки қардош, мусулмон ва қўшни халқ ўртасидаги муносабатларга соя ташлаб турган барча ғовларни бартараф этиш зарур деб биламиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий қардошлик муносабатлари турли соҳаларда янада ривожланишини истаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва муваффақият, Ўзбекистон давлати ва унинг қардош халқига равнақ ҳамда фаровонлик тилайман.

Профессор Бурхониддин РАББОНИЙ,
Афғонистон Ислом Давлати Президенти.

Истиқлол қалдирғочлари

ҚУЁШНИ БЎЙЛАР ИЗИНГ

. ЯНГИ САНОАТНИНГ ТЎНҒИЧИ — "КАТЕКС"!

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 3 йиллигини нишонлаган Ўзбекистонимиз халқ хўжалиги таркибида Қорақалпоғистон Республикасининг янги саноати ҳам жадал суръатларда шаклланмоқда. Унинг қалдирғоч корхонаси ҳисобланган йирик тўқимачилик мажмуи 1993 йилнинг май ойида ишга туширилган эди. Эндиликда "Катекс" ҳиссадорлик жамияти деб юритилаётган бу қўшма корхона қардош Туркия сармоядорлари билан ҳакорликда қисқа муддат — 13 ой мобайнида қуриб битказилди.

Айни кунда мазкур енгил саноат мажмуи ўз ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштира бориб, таҳсинга лойиқ пировард натижаларга эришмоқда. Тўқимачилик мажмуида 4 та асосий ишлаб чиқариш шохобчаси — пахта тозалаш, ип йигирув ҳамда тўқув, матоларга пардоз бериш ва бўяш, кийим тикиш бўлинмалари мавжуд. Корхонада меҳнат қилаётган 1500 нафардан зиёд ишчи-хизматчиларнинг кўпчилиги ёшлардан иборат. "Катекс" ёшлари давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшмоқдалар, сифатли, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар.

"Катекс" маҳсулотлари республикамиздан, яқин ва олис хориждан ўз харидорларини топмоқда. Нукус шаҳрининг Бердақ ҳиёбони ёнида "Катекс" фирма дўкони иш бошлаганига анча бўлди. Айнан шундай дўконҚорақалпоғистон пойтахтидаги Горький кўчасида ҳам фойдаланишга топширилади.

"Катекс" истиқлол ва эл маъмурчилиги йўлида дастлабки, аммо ишончли қадамларини қўймоқда...

БИЙДАЙИН БАРХАНЛАР БАҒРИДА...

НУКУСНИНГ жануби-шарқига чиқсангиз, кенг ва равон йўл бошланади. У қумлоқ адирлар, Султонвайс тоғ тизмаси орқали аввал Беруний ва Тўрткўл шаҳарларига, сўнгра эса афсонавий Дулдул кўпригидан кейин чексиз саҳро оша қадим Бухоро-ю азим Самарқандга олиб боради. Бундан атиги 3-4 йил муқаддам мазкур йўлга чиққанингизда, дарҳол бийдайин барханлар бошланар эди. Бархану тақирларда саҳро ўсимликлари — янтоқ, чучукмия, яккам-дуккам ярим буталар кўзга ташланарди, холос.

Энди-чи? Ўша бийдайин барханлар ўрнида каттакон газлама комбинати қад кўтариб турибди. Тўқимачилик мажмуининг ўзи эртагу афсоналардаги ихчам ва гўзал шаҳарчаларга ўхшайди.

Замонавий корхонага суқ билан боқар экансиз, яқин-яқингача не-не машаққатлар эвазига етиштирилган хом ашёларимизни сув текинга бериб келганимизни таассуфлар билан эслайсиз.

Корхона ҳаёти билан яқиндан танишиш учун дарбозадан ичкарига кирар эканман, корхона ҳовлисидаги қатор-қатор тол, терак, бошқа кўплаб манзарали ҳамда мевали дарахтларга кўзим тушди. Ёқимли шабада уларнинг баргларини ўйнайди. Ариқларда сув жилдирайди.

Чеккароқда қотмадан келган, ҳали йигитлик шижоатини йўқотмаган киши енг шимариб кўчатларга сув тараб юрибди. Иш билан овора бўлиб, ёнига борганимни ҳам сезмади.

— Ҳорманг!

— Бор бўлинг, — жавоб қайтарди у биз томонга кўз ташлаб. Танишдик. У корхона ичкариси ва ташқарисидаги ерлар ҳамда яратилаётган боғ-роғлар мутасаддиси Жумабек Эдилбеков экан. Одилбек оға бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Жами 25 гектар еримиз бор. Шунинг 10 гектарини мевазор қилмоқчимиз. Ҳаммаси бўлиб 10 минг туп кўчат, ток ўтқаздик. Дастлабкилари мевага кирди. Билсангиз керак: бу ерлар қум тепаликлари эди. Қанчалик қийин бўлмасин, бу ерда дурустгина сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш, боғ қилиш учун жонимизни жабборга бериб тер тўкаётирмиз. Мақсадимизга эришамиз, албатта. Агар оқар сув мунтазам равишда келиб турса, бу ерга кетмоннинг дастасини тиқиб қўйсангиз ҳам кўкараверади. Юринг, мен Сизларга бир нарса кўрсатаман!

У бизни пахта тозалаш шохобчаси яқинидан ўтган ариқ бўйига бошлади. У ерда 15-20 туп ғўза қийғос гулга кирган эди.

— Тўқилган чигитлардан кўкарган!

Ортиқча шарҳга ҳожат йўқ. Бир пайтлар барханлар ястаниб ётган жойда боғ яратаётган заҳматкаш инсонга тасаннолар айтдик, холос!

"ЁШ КЕЛСА ИШГА..."

ДАРҲАҚИҚАТ халқимизнинг ҳаммага маълум нақлида катта ҳикмат бор. Ёш келдими, унга иш ҳавола қилинади. Шаҳар чеккасида йирик корхона қуриларми, у ерга Италиядан келтириладиган энг замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилармиш, ҳамма иш компьютеру кнопкалар орқали бажарилармиш, деган гаплар чиққач, Нукус ёшларининг аксарияти шу ерга ошиқди. Аммо компьютеру кнопкаларгача ҳали кўп иш бор эди.

Аввалам бор корхонанинг ўзини қуриш лозим эди. Ҳозирги кунда жамоада тер тўкаётган ёшлардан анчаси бу ерда илк ғишт қўйилган кундан бошлаб ишламоқдалар.

— Биз бу ернинг чангини биринчи кунлардан бошлаб ютганмиз, — дейди етакчилардан бири СаҒидулла Тилеуов. — Бироқ нолийдиган жойимиз йўқ. Чунки қанчалар машаққатлар эвазига келмасин, меҳнатнинг нонидан ширин нон йўқ!

— Корхонамиз оёққа туриб кетди. — СаҒидулланинг фикрини давом эттирди тўқимачилик мажмуи раҳбарининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Шукуржон Емберганова. — Аммо дастлабки пайтларда озмунча қийинчиликларни бошдан кечирдикми? Ёшларимиз ёзнинг жазирамаси-ю, қиш қаҳратонидан чинакамига мардлик кўрсатдилар. Бир коса овқатни бир қошиқда галма-галича ичган вақтлар бўлган. Ҳозир ҳам йигит-қизларимиз ғайрат билан ишламоқдалар. Қайси бўлинмамизга кирсангиз ҳам бунга ишонч ҳосил қиласиз. Энг аввало пахта тозалаш шохобчасини кўришни маслаҳат бераман. У ердаги ёшлар оғир шароитларда ишлайдилар. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам юқори!

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ



Ҳамроқул АСҚАР

ВАТАН

Нондан азиз, умрдан азиз,
Азиз ҳатто ота-онадан,
Ҳатто ширин фарзанддан лазиз,
Нима бордир фоний дунёда?!

У тангрининг эҳсони эрур,
Адашганлар тўкар ёшини.
Отасизни бағрига босур,
Онасизнинг силар бошини.

У бўлмаса етиммиз, сўқир,
Ўлигимиз қолгай кафансиз.
Дайди итдан фарқимиз надир
Бу жаҳондан ўтсак Ватансиз.

ЎЗБЕКИСТОН — бағрикенг одамлар юрти. Бу юрт кишилари бир пайтлар дунёни забт этганлар. Нафақат куч билан, ўзининг илму амали, санъати билан ҳам. Бу кун музейларга, кутубхоналарга бош суқсангиз, бунинг гувоҳи бўласиз.

Сувратда кўриб турганингиз оддий бир наққошлик санъатидан намуна. Унинг чизиқларида минг йил аввалги ранглар, шакллар ўз аксини топган. Кейингиси эса мўйқалам соҳибларининг ҳаётидан бир кўриниш. Учинчи сувратда юртимиз табиий бойликларини, хусусан, олтингугурт ажратиб олиш қурилмасининг бош муҳандиси Раҳбарали Холтўраев. Бу кун водийда ва бошқа вилоятларда "кўз очган" нефть булоқлари, кўплаб конларда унинг ҳиссаси бор.

Ўзбекистон. Бу Турон, Туркистоннинг бир парчаси. Бу Хоразмий, Ибн Сино, Амир Темур авлодларининг ватани. Бу кун биз шу ҳақиқатни англаб етсак, озгина фикр қилиб, мустақилликнинг асл маъно-мазмунини тушунсак, юртимиз равнақи яна, яна юксалажак.

ҚУЁШНИ БЎЙЛАР ИЗИНГ

(Боши 1-бетда).

ЙИГИРУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

ИП ЙИГИРУВ бўлинмаси корхонанинг йирик қисмларидан бири. У ерга кириб бир лаҳза ҳаяжонланиб қолдик. Ҳозирги Европа, аниқроғи Италия ускуналарининг жойлашиши ҳам, ишлаши ҳам ҳали биз ўрганмаган ўзига хосликка, саришталикка эга эди. Йигирувчилардан Замира Матризаева раҳбар 3-ишлаб чиқариш гуруҳининг гали экан. Гуруҳ раҳбари билан танишдик. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тугатган. Ўз касбини яхши кўради, соҳасига меҳр қўйган, одамларни уюштира олади. Ишлаб чиқариш етакчиси ишловчиларнинг қалбига йўл топиши, ҳар лаҳзада уларга қўшқанот бўлиши керак. Бу ерда ишлайдиганлар орасида хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этади.

— Дастлабки даврда қизларимиз бироз қийналганликлари ҳам сир эмас, — дейди Замира биз билан суҳбатда. — Негаки, уларнинг кўпчилиги эндигина мактаб партасидан келишган, ҳали ишлаб чиқариш тажрибасини эгаллашмаган. Бундай сингилларимизга тажрибали ип йигирувчи ва тўқувчиларимизни бириктириб қўйганмиз.

Биз Гулбону Бийжонова, Дилбар Абдукаримова, Гулбаҳор Сейитова, Дилбар Аҳмедоваларнинг дастгоҳларда ишлашларини кузатдик. Улар тўқиётган "Супрам", "Футтер" каби матолар жуда нафис, сифатли. Ана шу матолар бўяш шохобчасидан сўнг бежирим газламаларга айланишини ўз кўзимиз билан кўрдик.

"КЎЙЛАК ТИКДИМ ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН..."

ТИКУВ шохобчасига кирар эканмиз, машҳур фильмдаги қўшиқни хиёл ўзгартириб хиргойи қилгингиз келади. Корхона учун ҳамма бўлинмалар ҳам муҳим, албатта. Аммо тикув шохобчасининг ўрни бўлак. Ишлаб чиқарилган газламалар бу ерда тайёр маҳсулотга айланади, кийим қилиб тикилади. Шохобчада деярлик 700 нафар одам ишлайди. 80 хил кийим-кечак тури тикиляпти. Корхона бир кунда 15 минг донагача кийим тайёрлаш қувватига эга.

— Маҳсулотларингизни қаерларга жўнатяпсиз? — сўрадик шохобча раҳбари Ўрозбика Абдусаматовадан.

— Кўплаб буюртмалар олганмиз. Яқинда маҳсулотимиздан бир қисмини Олмонияга жўнатдик. Энди Татаристонга 341 минг дона кийим юборамиз. Бошқа қатор ҳудудлардан ҳам буюртмалар бор. Қизларимиз зарбдорчасига ишлаб, топшириқларини ошириб бажармоқдалар. Кези келганда Амина Қутибоева, Марҳамат Изтилеуова, Кумушой Кўпайсинова, Омонгул Шукруллаева, Гулбаҳор Менглимуротова, Ойимхон Қурбонниёзовага ўхшаган пешқадамларни тилга олиб ўтсам, ўринли бўлар эди. Юринг, улардан айримлари билан таништираман!

Ўз ишини эпчиллик билан уддалаётган, нозиккина, буғдойранг қиз Дамегул Сержонова экан. Нукусдаги 8 ҳунар-техника билим юртини тугатган. Тиришқоқлиги боис ҳозирга келиб ўзи мураббий даражасига эришди. Дамегулнинг шогирдларидан Сафура Абдиёзова, Сафаргул Жумамуротовалар ҳам корхона ифтихорига айланган ишчилардан саналади.

Албатта, ишлаб чиқаришнинг ҳамма жабҳаларида ҳам иш хамирдан қил суғургандек силлиқ кетаётгани йўқ. Биргина тикув шохобчасида ўнлаб муаммолар мавжуд.

Жамоа мазкур қийинчиликларга тадбиркорлик ва ҳамжиҳатликни қарши қўймоқда, зиммасидаги масъулиятли ишларни шараф билан бажармоқда.

ҲАР ИШЛОВЧИ ЭЪТИБОРДА

ҲИССАДОРЛИК жамияти бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалиги тизимидан ўзининг муносиб ўрнини топиши лозим. Бу мақсадга эса одамлар ва уларнинг машаққатли меҳнати орқали эришиш мумкин. Одамлар яхши ишлаши учун эса ишловчиларга зарур шарт-шароитлар яратилиши даркор.

Корхона раҳбарияти, касаба уюшмаси айнан шу йўлдан бормоқда. Биринчидан, ишловчиларнинг маошларини кескин ошириш устида иш олиб борилмоқда. Иккинчидан уларнинг самарали ишлашлари учун етарли шарт-шароитлар яратиляпти. Учинчидан, ишловчиларга маданий-маиший қулайликлар туғдирилмоқда. Замонавий ошхона ишлаб турибди. Бўзотов туманида корхонанинг ёрдамчи хўжалиги ишчилар учун чорвачилик маҳсулотлари етиштирмоқда.

Ҳиссадорлик жамиятининг истиқболи порлоқ. У Қорақалпоғистон Республикаси енгил саноатининг етакчи корхонаси сифатида мамлакатимиз мустақиллигининг 3 йиллигини муносиб кутиб олди.

Юксакларга парвоз қилавер, Қуйи Амударёда шаклланаётган янги саноатнинг илк қалдирғочи!

Дариха УББИНИЁЗОВА,
"Қорақалпоғистон жаслари" газетаси мухбири.
Янгибой ҚЎЧҚОРОВ таржимаси.

Ёшлар Иттифоқида нима гап?

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Яқинда Ёшлар Иттифоқи Қашқадарё вилоят қўмитасининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Семинар-кенгашида Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг ярим йиллик иш якунлари ва ички ишлари муҳокама қилинди. Семинар-кенгашда шу масала юзасидан Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг биринчи котиби Долли Аллаевнинг ҳисоботи тингланди. Семинар-кенгашда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг бўлим бошлиғи Улуғбек Қўчқорбоев иштирок этди.

А. САМАРИДДИНОВ, "Туркистон" мухбири.

«ТАФАККУР» ЖАМОАТЧИЛИККА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

(Боши 1-бетда).

ЎзА мухбири журнал бош муҳаррири Эркин Аъзам билан мазкур фикр минбарининг ташкил бўлиши ва фаолият йўналиши ҳақида суҳбатлашди.

— Эркин ака, мамлакатимиз Президентининг республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази ва унинг "Тафаккур" журналини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони чиққанига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо тез фурсат ичида аниқ самараси кўзга ташлана бошлади. Журнал дастлабки сонининг жадал суръатда тайёрланиб, нашрдан чиқарилиши ҳам зиёлиларимиз орасида мазкур Фармон ижросига катта аҳамият берилаётганининг исботи бўлса керак?

— Шубҳасиз. Фармон халқимизда миллий қадриятларни англаш, истиқлол ғояларини қадрлаш, миллат ва юрт камолини ўйлаш ҳамда умумбашарий неъматларга интилиш ҳиссини янада оширди. Зиёлиларнинг маънавиятни юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатига янги куч бағишлади. Биз ана шу кайфиятни эътиборга олиб, "Тафаккур"нинг дастлабки сонини мустақиллик байрами кунлари чиқаришга жазм этдик.

— Журнал нишона сонининг ғоявий йўналиши, мазмун мундарижаси қандай бўлди?

— У муборак сана — Ватанимиз мустақиллигининг уч йиллигига, қутлуғ истиқлолга бағишланди. Шу боис, унинг мазмун-мундарижаси истиқлол ғоялари, уч йилда эришган ютуқларимиз, миллат ва ватанпарварлик руҳи билан суғорилган. Журнални тайёрлаш жараёнида шунга амин бўлдикки, Ватанимиз қисқа фурсатда ўн йилликларга татигулик йўлни босиб ўтибди.

Уч йил мобайнида юртимиз, миллатимиз учун янгилик бўлган, тарихий тараққиётимизда илк бор юз берган ҳодисалар беҳисоб экан. Биз барчасини кўриб-билиб, шоҳиди бўлиб юрганмиз. Аммо кўриш-билиш, шоҳиди бўлиш бошқа, ҳаммасини яхлит мушоҳада этиш, аҳамиятини англаш, ҳис қилиш бошқа экан. Истиқлол тадрижини журналнинг бир сонида тўлиқ акс эттириш — беҳад мушкул иш. Шунга қарамай, бу буюк ҳодиса тарихини, миқёси ва аҳамиятини баҳоли қудрат, нашр имконияти даражасида ифода этишга ҳаракат қилдик. Республика жамоатчилик вакиллари, уста рассом ва суратчилар, журналист ва ёзувчилар, матбаа ходимлари ҳам маслаҳат, ҳам амалий иш билан ёрдам бериб турди. Журнал фақат таҳририят ходимларининг ижод маҳсули эмас. Унда барча илғор зиёлиларнинг ҳиссаси бор.

Президентимиз Ислом Каримов журналга ишонч-эътибор билдириб, самимий табрик йўлладилар.

Нишона сонда Ватан истиқлоли миллий қадриятлар, маънавият, тарихимиз, миллат ва давлат тимсоллари, буюк аждодлар ҳақида мақола, шарҳ, суҳбат ҳамда ранг-баранг расм ва суратлар чоп этилган. Уларнинг барчасига тўхталиб ўтирмайман, ўқиб, хулоса чиқариш — ўқувчиларимизга тан.

"Тафаккур" — истиқлол фарзанди ва табиийки, унга хизмат қилади. Биласиз, инсон онги, тафаккури жамики нарсани қамраб олиб, тегишли хулосалар чиқаришга интилади. Худо хоҳласа, журналимиз ҳам шундай бўлади. Унинг учун иккинчи даражали мавзу йўқ. Аммо, биз ҳар бир ҳодисага истиқлол қадриятлари, Ватан ва миллат манфаатлари, ислоҳотлар йўналиши нуқтаи назаридан ёндашишга ҳаракат қиламиз. Фақат ана шундай йўл тутилсагина, "Тафаккур" бурчини оқлаган фарзанд бўлади.

(ЎзА).

Бухоро томонларда

ЯНГИ ЦЕХ ИШГА ТУШДИ

Давр ўзгармоқда. Ҳаётимизнинг ҳар бир куни янгиликлар билан бойиб, мустақил давлатимиз пойдевори мустаҳкамланмоқда. Хусусан, Бухоро вилоятидаги Когон туманида жойлашган ёғ-экстракция заводи қошида суткасига 10 тонна кир совун ишлаб чиқарадиган цех ташкил этилди. Бу республикамиз аҳолисининг совунга бўлган эҳтиёжини бир мунча қондиради.

АКЦИЯ НАРХИ 100 СЎМ

Шофиркон туман кооператив тайёрлов ва савдо бирлашмаси Хўжа Ориф Моҳитабон очиқ турдаги ҳиссадорлик (акционерлик) жамиятига айлантирилди. Ушбу жамият барча ҳисобдор корхона ва юридик шахслар билан бир ой муддат ичида олди-бердиларни ҳисоб-китоб қилади.

Хўжа Ориф Моҳитобон очиқ ҳиссадорлик жамияти ўз акцияларини сотувга чиқарди. Бир акциянинг нархи 100 сўм қилиб белгиланди. Ҳар бир жисмоний ва юридик шахслар биттадан акция сотиб олиш ҳуқуқига эга.

МАШИНА МУБОРАК БЎЛСИН!

Азалдан ота-боболаримиз тўйларда, халқ сайилларида спортнинг кўпкари, кураш каби турлари билан шуғулланиб келишган. От изини той босар деганларидек, ўша авлодлар фарзандлари ҳам ҳалол меҳнат қилиб, республикамизни ҳимоя қилишмоқда.

Мустақил Ўзбекистоннинг иккинчи Руфат Рисқиеви бор десак бўлаверади. Яқинда Таиландда ўтказилган бокс бўйича ғолибликни қўлга киритган спорт устаси бухоролик Наримон Отаевга Бухоро ипгазлама ишлаб чиқариш жамоаси "Жигули" енгил автомашинасини тақдим этди.

Мукофот муборак бўлсин, Наримон!

Шавкат НОСИРОВ.

Шу сонга хабар

ЯНГИ МАКТАБ — ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДА

Рўзномамиз Элликқалъа туманида иккита янги замонавий мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги ҳақида хабар қилган эди. Ана шу мактабларнинг бирига қўриқ туман ташкил топишининг раҳнамоси, ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, атоқли ёзувчи Ш. Рашидов номи берилди. 1296 ўринлик таълим даргоҳини Бўстон шаҳри меҳнаткашлари фарзандларига "Оролсувқурилиш" бирлашмасининг "Бўстонсувқурилиш" трестига қарашли II-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари тортиқ қилдилар. Янги мактабнинг очилиш тантанасида туман ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиби Аминбой Тожиев ва "Оролсувқурилиш" бирлашмаси бошлиғи Пўлат Камолов қатнашдилар.

— Шароф Рашидов илк бор Элликқалъа қўриғига 1973 йил баҳорида келган эди, — дейди А. Тожиев. — Шундан кейин 10 йил давомида у туманимизнинг равнақи учун изчил ғамхўрлик қилди.

Шароф ака дастлабки пойқадами пайтида чўлдаги чайлада деҳқонлар билан суҳбатлашган бўлса, умрининг охирги дамларида бу ерга ташриф буюрганида туман истиқболли туманга, Бўстон шаҳри гўзал ҳамда замонавий шаҳарга айланган эди. Шаҳардаги янги йирик мактабга Ш. Рашидов номининг берилиши элимизнинг атоқли инсон олдидаги эҳтироми ифодасидир.

Янги мактабда илк қўнғироқ чалиниб, биринчи дарсда давлатимиз мустақиллиги ҳамда, Ш.Рашидовнинг бой ҳаёт йўли тўғрисида сўз борди.

Янгибой БОЗОРБОЙ ўғли.

Энг янги тарих зарварақлари

ОРЗУ-УМИДЛАРГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Учинчи мақола

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Президентимиз ташаббуси билан 1993 йил 3—4 январда Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Олий даражадаги бу учрашувда минтақани тараққий топган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш, давлатлар мустақиллигини сақлаб қолиш, минтақанинг имкониятларини ўз ҳолига ташлаб қўймаслик, ўзаро ҳамкорлик қилиш, Марказий Осиё ҳамкорлигини тузиш режаларини кўриб чиқдилар.

Марказий Осиё давлатлари собиқ шўро империясидан ғоят оғир иқтисодий инқирозни, "режали тараққиёт"нинг оғир асоратини, биръёқлама иқтисодиётни мерос қилиб олган бўлиб, минтақани бу оғир аҳволдан олиб чиқиш учун Марказий Осиёдаги давлат раҳбарлари ҳар бир давлат миллий мустақиллигини абадий сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлаш тарафдори эканликларини таъкидладилар.

Шубҳасиз,Тошкент учрашуви минтақа халқларининг ёркин келажаги, унда жойлашган мамлакатлар ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий, савдо алоқаларини янада кенгайтиришда эканлигини кўрсатиб берди. Гап шундаки, Марказий Осиёда салкам 60 миллион аҳоли яшайди. Бу катта минтақа иқтисодий имкониятларини ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас.

Минтақа ўзининг бой иқтисодий, илмий-техникавий, улкан табиий ресурслари, хом ашёси, энг муҳими — меҳнатсевар халқлари билан ажралиб туради, у саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлабгина қолмай, балки ўзининг ортиқча маҳсулотларини, хом ашёсини хорижий давлатларга жаҳон бозори нархида сотиш, дунёдаги ҳар қандай давлат билан иқтисодий соҳада рақобат қилиш имкониятига ҳам эгадир. Агар Ўзбекистоннинг пахтаси, олтини, Қозоғистоннинг буғдойи, нефти, Тожикистоннинг, Қирғизистоннинг ер, ости бойликлари, чорваси, пахтаси минтақа халқлари манфаатига хизмат қилса, у ҳолда бу халқлар ҳозиргига нисбатан яхшироқ яшайдилар. Ана шу муштарак мақсад билан минтақа мамлакатлари, халқлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш керак, холос.

Ўзбекистон мустақиллик туфайли барча давлатлар билан, биринчи галда, Осиё давлатлари билан мустақил алоқа боғлайдиган бўлди. Осиёда Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Покистон каби йирик давлатлар, Япония сингари тараққий топган мамлакат, тараққиётда мўъжизага эришган Жанубий Корея, Малайзия, Таиланд ва бошқа давлатлар борки, буларнинг иштирокисиз ҳозирги жаҳон ҳамжамиятидаги бирор йирик муамммони ҳал этиб бўлмайди. Бунинг устига кўпгина Осиё мамлакатлари, хусусан, Эрон, Туркия, Покистон, Афғонистон, Хитой Халқ Республикаси, Марказий Осиёдаги бир қанча давлатлар Ўзбекистонга ҳудуд жиҳатдан яқиндир. Бу мамлакатларнинг маданияти, тили, тарихи, анъаналари, турмуш тарзи ва динида ҳам яқинлик борки, бу уларнинг ўртасидаги алоқаларни ҳозирги замон талаби асосида ривожлантиришни тақозо этади.

Тошкент, Ўрдабоши ва Чўлпонота учрашувларидан кейин Қозоғистон Республикаси,Қирғизистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг 1994 йилда Алмати шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви Марказий Осиё минтақасининг тарихий жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Учрашувда қардош давлатларнинг ўртада тарихан таркиб топган анъанавий дўстлик, мустаҳкам ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари асосида бир-бирига яқинлашуви жараёни тобора кучайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ягона иқтисодий маконни барпо этиш тўғрисидаги шартнома ўзаро яқинлашиш жараёнини музокаралар ўзанидан амалий ишлар йўлига ўтказишни бошлаб бергани ва сиёсий воқеликка айланиб бораётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатларининг уч томонлама ҳамкорлиги муваффақиятли бўлиши учун мамлакатларимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий имкониятларини бирлаштириш зарурлигини таъкидлаб, томонлар қуйидагилар хусусида келишиб олдилар:

— миллий қонунлар ва меъёрий хужжатларни бир-бирига яқинлаштириш, янги қонунлар ишлаб чиқиш учун парламентлараро даражада қўшимча ишчи гуруҳ тузиш;

— иқтисодий, ижтимоий, маданий, ҳуқуқий, ҳарбий соҳаларда ва бошқа соҳаларда мустаҳкам ҳамкорлик қилиш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий офатлар ва фалокатларнинг оқибатларини тугатиш ишида куч-ғайратларини бирлаштириш, Орол денгизи ҳавзасида ва Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш;

— ташқи сиёсий фаолият соҳасида минтақа ва халқаро даражада ўзаро маслаҳатлашиб ҳаракат қилиш.

Мазкур мақсадларни рўёбга чиқариш ва барча соҳалардаги куч-ғайратларни мувофиқлаштириш учун Президентлар ва давлатларнинг Бош вазирларидан иборат Давлатлараро Кенгаш тузишга қарор қилинди. Доимий суратда иш олиб борадиган ижроия қўмитаси шу кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.

Уч давлат раҳбарларининг бу учрашувида таъсис этишга келишиб олинган Марказий Осиё ҳамкорлик тараққиёт банки 9 миллион АҚШ доллари миқдорида тенг низом жамғармасига эга бўлади. Бу банк иқтисодий интеграцияни кучайтириш борасида жуда муҳим ишларни амалга оширишни кўзда тутмоқда. Ёқилғи, энергетика, машинасозлик, алоқа тармоқлари ва бошқа муҳим соҳаларда давлатлараро йирик лойиҳаларни амалга оширишда, хорижий сармоядорларни мамлакатларимиз ҳудудига жалб этишда унинг ҳиссаси беқиёс бўлади.

Ҳар учала давлат бошлиқлари имзо чеккан "Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси халқларига Мурожаатнома"да жумладан шундай дейилади: "Биз биргаликда ёркин келажагимизга замин ҳозирлаяпмиз... Фақат жипслашиш, куч-ғайратларни бирлаштириш, барқарорликни сақлаб қолиш йўли билан ҳозирги қийинчиликларни енгиб ўта оламиз ва мамлакатларимизда туб иқтисодий ислоҳотлар ҳамда демократик ўзгаришларни амалга ошириш вазифаларини ҳал қила оламиз... Қалбларимиз, ҳис-туйғуларимиз ва орзу-умидларимиз абадий яқдил ва яқнафас бўлсин!" Мустақиллик туфайли жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда Ўзбекистон Республикасининг обрўси ва нуфузи ортиб бормоқда, юртимизни бутун дунё танимоқда. Бу жиҳатдан олганда, 1993 йилнинг 26—28 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Нью-Йоркда бўлгани, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 48-сессиясида катта нутқ сўзлагани йирик тарихий воқеа бўлди.

Мустамлакачилик ҳукмрон бўлган 130 йил мобайнида юртимизни, жаҳон тараққиётига катта ҳисса қўшган Марказий Осиё халқларини дунё танимай қолган эди. Мустақиллик республикани мустамлакачилик тизимидан, мутелик ва тобеликдан озод этди. У ўз тараққиёт йўлини мустақил белгилайдиган, ер юзидаги давлатлар, турли халқаро ташкилотлар билан мустақил алоқа боғлайдиган бўлди. Мустақил Ўзбекистонимизни, унинг жаҳонда тутган ўрнини, улкан имкониятларини, ер ости бойликларини, илмий-техникавий заҳираларини, хом ашёсини, меҳнатсевар халқини жаҳонга таништираркан, Президентимиз БМТ аъзоларига шундай деди: "Ўзбекистон жуғрофий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам Марказий Осиёнинг ўзагини ташкил қилади. Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири мана шу минтақада пайдо бўлган". У ёш, мустақил давлатнинг раҳбари бўлиш билан бирга нозик халқаро сиёсатни чуқур билажагини ҳам исбот қилди. Гап шундаки, у халқаро аҳамиятга эга, умуминсоний қадриятларни ўз ичига олган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан биргаликда ҳал қилиниши зарур бўлган муаммоларни кўтариб чиқди.

Президентимиз ўз нутқида БМТни, жаҳон ҳамжамиятини Орол денгизи фожиасининг олдини олишга чақирди. У кейинги йилларда Оролнинг ҳажми уч баравардан кўпроқ қисқаргани, қирғоқ 80 км чекингани, сувнинг минераллашув даражаси тўрт баравар ошгани, ҳайдаладиган икки миллион гектар ерни қум босгани, чанг-тўзонлар бўрони 300 км. масофага етиб борадиган бўлгани тўғрисидаги нохуш, лекин ҳақиқат бўлган далилларни келтирди. Орол денгизи фожиаси биргина Марказий Осиё минтақасига эмас, балки, кўпгина бошқа мамлакатларга ҳам зарар келтиради. Шу боисдан бу фожианинг олдини олиш жаҳон ҳамжамиятининг ҳам бурчи ҳисобланади.

Аминмизки, Ўзбекистон давлатининг келажаги буюк бўлади. У тараққий топган давлатлар сафидан ўз ўрнини эгаллайди, ўзининг муваффақиятлари билан жаҳонга танилаверади.

Мустақил давлатимизнинг тикланиш тарихини, халқаро мавқеи ортиб бораётганини, халқимизнинг маънавий ва моддий ҳаётида рўй бераётган чуқур ўзгаришларнинг моҳиятини жамиятимиз аъзолари лаёқатига етказиш ва айниқса, ёшлар қалбини ёритиш ва уларда Ватанга муҳаббат ҳис-туйғусини кучайтириш ишида қатнашиш ҳар бир зиёли ва турли фан намояндаларининг муқаддас вазифаси бўлмоғи керак.

Мустақиллигимиз мустақиллигининг шонли уч йиллик байрами бўлиб ўтган шу кунларда юртимиз ҳудудидан ташқарида рўй бериб турган хуш-нохуш воқеа-ходисалар тўғрисида дўппини бундоқ ерга олиб қўйиб ўйлайлик, фикр юритайлик, хулоса чиқарайлик. Ахир, МДҲ мамлакатларининг қайси бирида бизнинг мамлакатимиздагидек тинчлик, осойишталик, тотувлик, биродарлик, ҳамкорлик ҳукм сураяпти?! "Бирни кўриб шукр қил, мингни кўриб фикр қил", "Борига қаноат, йўғига сабр", дейди доно халқимиз. Шунга кўра, ўткинчи иқтисодий қийинчиликларга бардош бериб, борига қаноат қилиб, йўғига сабру чидамли бўлиб, Аллоҳга шукроналар қилсак, истиқлолимизнинг истиқболи сари собит қадамлар билан олға юрсак, Ватанимиз равнақи йўлида бир ёқадан бош чиқариб, қўлни-қўлга бериб, баҳамжиҳат бўлиб ҳалол меҳнат қилсак, ҳар бир ишга ақлу-заковат билан, иймон-эътиқод билан ёндашсак — марра бизники бўлади.

Улуғ айём — шонли мустақиллигимизнинг уч йиллик байрами— пойтахтнинг бош майдонидан бошланиб, бутун мамлакатимизга ёйилиб кетди. Байрам руҳи кундан кунга кучайса кучайяптики, пасаяётгани йўқ. Ана шундай фараҳбахш кунларда инсон ўзининг босиб ўтган умр йўлига тик қарай билиши ҳам катта бахт экан. Мен шу пайтгача етти марта Ўзбекистон халқ депутатлигига сайланганман. Йигирма беш йилдан ортиқроқ, сайловчиларимнинг талабларини бажардим, хизматларини қилдим. Лекин ана шу йигирма беш йиллик депутатлигим бир тараф-у, кейинги уч йиллик депутатлигим бир тараф бўлди. Чунки, мен кейинги уч йил билан ҳар қанча фахрлансам, ҳар қанча мақтансам арзийди. Ахир мен мана шу депутатлигимда Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун овоз бериш бахтига муяссар бўлдим. Ана шу депутатлигимда ўз мустақил, озод мамлакатнинг ўз байроғи, ўз Конституцияси, ўз мадҳияси ва бошқа шунга ўхшаш кўплаб тарихий воқеаларнинг гувоҳи, янаям тўғрироғи, иштирокчиси бўлдим. Мамлакатимизда юз бераётган жараёнларнинг гувоҳи, иштирокчиси сифатида дангал айта оламанки, юртбошимиз "Ўзбекистон келажаги буюк давлат", деганларида ҳақ эдилар. Яқин йиллар ичида биз ҳаммамиз бунинг гувоҳи бўламиз. Илоё ҳаммамиз ана ўша диёримизнинг порлоқ, буюк келажагини биргаликда қурайлик.

Эркин ШАЙХОВ, Ўзбекистон халқ депутати

ҚИЙИН, АММО ШАРАФЛИ БУРЧ

Ҳар сафар тарихий китобларни ўқиганимда, ўша давр ёшларининг эътиқоди, элу юрт равнақи йўлидаги шижоати, жонбозликлари тасвирланган сатрлардан тўлқинланиб кетаман. Беихтиёр хаелимда, биз уларнинг муносиб издошлари бўла олдикми? — деган савол чарх уравераді. Ва сафида 60 мингдан ортиқ йигит-қизни бирлаштириб турган Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитаси томонидан амалга оширилган ишлар ёдга тушади.

Ҳар қандай сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар биринчи навбатда ёшлар ҳаётига ўз таъсирини ўтказишини эътиборга олган ташкилотимиз асосий мақсади этиб юртимиз келажаги ҳисобланган йигит-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишни белгилаб олгани барчага маълум. Хўш, бу эзгу ниятнинг рўёбга чиқиши учун ташкилот ходимлари нима қилдилар?

Сир эмаски, Тошкент шаҳри азалдан олий ўқув юртлари маркази ҳисобланади. Ҳар йили бу ерга билим олиш истагида республикамиз вилоятларидан минглаб йигит-қизлар келадилар. Тўрт-беш йил давомида туғилиб-ўсган шаҳрингдан, қишлоғингдан, ота-онангдан олисда яшаш машаққатларини ҳис этмоқ қийин эмас. Улар орасида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, етимликда ўсганлари ҳам талайгина. Ана шундай ёшларни моддий ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш ниятида Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитасининг фаол иштирокида ташкил этилган "Талабаларнинг ўзаро ҳамкорлик ва тадбиркорлик концерни" қизғин иш олиб бормоқда. Унинг ихтиёридаги ишлаб чиқариш цехлари, кичик корхоналарида талабалар ўқишдан бўш пайтларида меҳнат қиладилар, ҳунар ўрганадилар.

Шундай илиқ фикрларни ташкилотимиз қошида ташкил этилган "Мактаб корхоналари маркази" тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Бу мўъжазгина марказнинг ўқувчилар орасидаги ҳурмат-эътибори тобора ортиб бораётир. Болалар дарсдан сўнг, айниқса, таътил кунлари хат ташувчи, газета-журналлар тарқатувчи сифатида ишлабгина қолмай, тадбиркорликнинг дастлабки кўникмаларини ўзлаштириш имконига эгадирлар.

Жамоат ташкилотлари фаолиятининг асосий устунларидан бири унинг жойлардаги жонкуяр ходимлари, десам муболаға бўлмайди. Чунки, айнан уларнинг саъй-ҳаракатлари эвазига бошланғич ташкилотларда уюштирилаётган тадбирларни юқори савияда ўтказишга муваффақ бўлинмоқда. Биргина мисол. Ёдингизда бўлса, илгарилари ҳар бир мактабда байналминал дўстлик клуби бўларди. Афсуски, уларнинг кўплари ҳозирга келиб батамом тарқалиб кетган. Фаолиятини давом эттираётган саноқли гуруҳлардан бири эса Ёшлар Иттифоқи Ҳамза тумани қўмитаси қошидаги "Дўстлик" клубидир. Клуб раҳбари, ўз ишининг асл фидоийси Олима Қурбонбоеванинг иқтисодий қийинчиликларга қарамай "Дўстлик" фестивалини уюштиргани, унда Чехия, Болгария, Ҳиндистон ва бошқа бир қанча хорижий давлатлар ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатлар вакиллари иштирок этишини таъминлай олганининг ўзи ҳар қандай таҳсинга лойиқдир.

Ногиронлар ёки фарзандлари орасида ана шундайлари бўлган оилаларга нисбатан меҳр-мурувватли бўлиш, уларга кўмак бериб туриш ҳар бир иймонли, виждонли инсон учун ҳам қарз, ҳам фарз. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар қўмитаси ҳамда ташкилотимизнинг ҳамкорликда ўтказган хайрия концерти, ногирон болаларга маҳсус аравачалар тақдим этилиши уларнинг хаста дилларига озгина бўлса-да малҳам бўлолган эрса биз бахтиёрмиз.

Кейинги пайтларда ўқувчи ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойиллар сони кўпаяётгани ҳаммани ташвишга солмоқда. Бу ҳолат билим масканлари, ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилаётган тадбирлар билан чекланиб қолмай, тарбияси оғир ўсмирлар онгига ижобий таъсир кўрсатишнинг янги-янги усулларини излашни талаб этади. Бу борада Тошкент вилоятининг тоғли туманларида фаолият кўрсатаётган ҳарбий-спорт лагерларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Биргина ёз фасли мобайнида лагерда 600 дан ортиқ тарбияси оғир бола махсус дастур бўйича дам олди, мусобақаларда қатнашди.

Умуман олганда бу йил Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар ташкилоти учун ўзгача жозиба касб этади. Яқинда ташкилот ўзининг 75 йиллик тўйини нишонлади. Тантаналарнинг мазмунли ва юқори савияда ўтишига шаҳар ҳокимлиги яқиндан ёрдам берганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Афсуски, айрим одамларга бизнинг бу ишимиз ёқинқирамаган кўринди чоғи. Улар нима учундир ташкилотимиз таваллуд айёмини 1991 йилдан эмас, ўша олис 1919 йилнинг 15 апрелидан сарҳисоб этаётганимизга эътироз билдирмоқдалар, бунга "комсомолни қўмсаш" деган ниқоб кийдиришга ҳам уринмоқдалар. Ваҳоланки, комсомол авваломбор ёшлар ташкилоти номи билан тузилганди. Қолаверса, тарих телевизион минорани ҳам инкор этиш билан баробардир. Аксинча, давр ёшлари, демакки, тобора сони камайиб бораётган оталаримиз, оналаримизнинг эътиқодини ҳурмат қилмоғимиз, уларнинг туғилиб ўсган юртига бўлган муҳаббатидан ўрнак олмоғимиз керак, деб ўйлайман.

Юқорида айтилган ижобий натижалар билан бирга камчиликларимиз ҳам кам эмас. Ўтиш даври мобайнида аъзолар сони кескин камайиб кетди. Ташкилотимизда фаол меҳнат қилаётган кўпгина йигит-қизларимиз ўзларини тижорат соҳасида синаб кўрмоқдалар. Кадрлар танқислиги бошланғич ва туман қўмиталари миқёсида жуда сезиларли. Бунинг асосий сабаби, фикримизча, ташкилот ходимлари ойлик маошларининг жуда камлиги. Лекин шунга қарамай меҳнат қилаётган ташкилот фаолларини фидоий деб атасак муболаға бўлмайди.

Шу йил 5 апрель куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг навбатдаги XXVI қурултойи қарорларидан келиб чиққан ҳолда шаҳар ташкилотида ҳам бирмунча ўзгаришлар амалга оширилди. Иттифоқ ички интизомига қаттиқ риоя қилиш, юқори ташкилотлар қарори қўйи ташкилотлар учун мажбурийлиги, аъзолик бадалларини ўз вақтида йиғиш ва Марказқўм тасдиқлаган йўриқнома асосида юқори ташкилотларга етказиш ташкилотимиз сафларини мунтазам равишда ўстириб бориш, бошланғич ташкилотдан то шаҳар қўмитасигача кадрлар масаласи билан алоҳида шуғулланиш — бош йўналишимиз. Чунки келажакда ташкилотимиз тақдирини бугун биз тайёрлаган ўринбосарларимиз ҳал қилади.

Шаҳар миқёсида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди. Ёшлар ишлари бўйича шаҳар ва туман кенгашлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари ушбу қонунни тўла амалга ошириш учун шаҳар қўмитасининг тавсияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорларига асосан "Ёшларнинг ҳамкорлик маркази" тузилиши кўзда тутилади. Ушбу марказ барча туман тузилмаларида ташкил этилиб, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда катта роль ўйнайди, деб умид қиламиз.

Бугунги кунда ЁИ шаҳар ташкилоти олдида турган вазифалар жуда катта. Шаҳар ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, балоғатга етмаган ёшлар орасида жиноятчиликни камайтириш, халқимизга, жамиятимизга фойдали бўлган меҳнат билан шуғулланиш — умуман олганда республикамиз мустақиллиги ва иқтисодий равнақи учун зарур бўлган барча ишларни ҳамда тадбирларни амалга ошириш, истеъмол бозорини бойитиш, миллий валютамиз қудратини ошириш, мустақил республикамиз даҳлсизлигини таъминлаш — шуларнинг барчаси биз, мустақил Ўзбекистон ёшларининг олдида турган энг асосий вазифа деб ҳисоблайман.

Мана шундай оғир, лекин шарафли ишни амалга оширишда барчамизга сабр-бардош, матонат, соғлиқ, омад ва оилавий бахт тилайман.

Равшан Абдуқодиров,
Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитасининг биринчи котиби.

Тошкент тўқимачилик комбинати Ёшлар Иттифоқи қўмитаси йил бошида келишиб олинган иш режаларини тўлиқ амалга ошириш борасида тинмай иш олиб боряпти.

Ёшлар Иттифоқи ташкилоти ишчиларнинг бўш вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказишга жиддий эътибор бермоқда. Бу йил комбинатда биринчи марта Ёшлар Иттифоқи кубоги (футбол мусобақаси) ташкил этилиб, унда олтита команда қатнашди. Ўйинларни бир маромда ўтказган пардозловчилар кубог соҳиби бўлишди.

СУРАТДА: комбинат ЁИ қўмитасининг котиби Дўстмурод Эгамбердиев, котиб ўринбосари Ўктам Қурбонназаров ва учинчи йигирув цехи илғор йигирувчи қизлари Ҳусния Халилова ҳамда Ҳидоят Бобобековалар келгуси ишлар тўғрисида фикрлашяпти.

К. ЎЛМАСОВ сурати.

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Ислом КАРИМОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎЗ УЛУШИМИЗ БЎЛСИН

Институтимизда Ёшлар Иттифоқи ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни фойдали ишларга жалб этиб, яқиндан ёрдам бериш, ёшларга оз бўлса-да ғамхўрлик қилиб, уларни жипслаштириш ташкилотимизнинг бош мақсадидир. Ана шу ниятда олиб борилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Биз ўтмиш ва келажак ҳақида кўп гапирамиз-у, лекин бугунги ёшларга кам эътибор бермоқдамиз. Ахир, келажак ёшлар қўлида эканлигини унутиб қўймайлик-да. Моддий бойликни маънавий бойликдан устун қўйиб, эртадан кечгача бозорларда олибсотарлик билан овора ёшларимиз ҳам талайгина. Тўғри, иқтисод ҳам керак. Лекин, маънавиятдан йироқда бўлган, маданият, одоб-ахлоқ нелигини билмаган талаба, ўспирин қандай қилиб Ўзбекистоннинг келажагини буюк қила олсин.

Ёшлар ташкилотимизга 800 нафардан ортиқ талаба аъзо. Қиладиган ишларимиз жуда кўп. Институтимизда Шарқ тиллари ўқитилади. Биз тили ўқитилаётган мамлакатнинг маданиятини, тарихини билиш мақсадида ўша халқнинг миллий урф-одатларини ўрганиб, байрамларини нишонлаб борамиз. Агар ўша мамлакатнинг пойтахтимизда элчихонаси бўлса, элчи билан учрашув уюштирамиз. Бу каби тадбирларни барчаси ёшларимиз таянчи бўлган ташкилотимиз томонидан ўтказилади.

Биз ёшлар билан тез-тез турли хил қизиқарли учрашувлар, концертлар ўтказиб турибмиз. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари ва чет эл давлатларининг Тошкентдаги элчилари билан бўлган учрашув талабаларимизда катта таассурот қолдирди. Бундайин учрашувлар талаба ёшларда ўзга мамлакатлар тарихини, маданиятини, тилини билишга қизиқишини кучайтиради.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида ҳеч кимга осон эмас. Хусусан, талабаларга ҳам. Менимча, талаба қизларимизга эътибор камроқ бўляпти. Қизлар ота-оналаридан йироқда таҳсил олишади. Улар дарсдан бўш вақтларида нима билан машғул бўладилар? Бўш вақтларини қаерда, қандай ўтказадилар? Шу каби муаммоларни ётоқхоналарда ҳал қилиш мумкин. Бунинг учун бичиш-тикиш тўгараклари очилса, мақсадга мувофиқдир. Қизлар, албатта, чиройли кийинишни хоҳлайдилар. Лекин чиройли кийимларнинг баҳоси осмонда. Олиб кийишга ҳар кимнинг ҳам чўнт ги кўтармайди. Бозордан мато сотиб олиб, уни тиктириб кийиш учун эса унча кўп пул сарф қилинмайди. Агар қизларимиз ўзлари тикишни билишса, ўзларига фойда эмасми? Ётоқхоналарда бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун турли тадбирларни амалга ошириш мумкин. Масалан, таниқли ижодкорлар, машҳур кишилар билан учрашувлар ўтказиш шулар жумласидандир.

Ҳар қандай даврда ҳам жамиятнинг эртанги куни бўлган ёшлар тарбиясига жиддий эътибор билан қараш, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камол топишлари учун қайғуриш ҳукумат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоғи керак. Ақл-заковатини ривожлантирмай туриб, юрагимизга миллий ғурур ва Ватан туйғусини жо қилмасдан республикамизнинг чинакам мустақиллиги ва гуллаб-яшнашига ҳисса қўшолмаслигимизни барчамиз дилдан ҳис қилишимиз лозим.

Лола УСМОНБЕКОВА,
Тошкент шарқшунослик институти 4-курс толибаси.

Тарих тилга кирганда

БИРНИ КЎРИБ ШУКР ҚИЛ...

(Боши ўтган сонда).

Шу аҳволда поездимизнинг юришини беш ҳафтача кутишимизга тўғри келди. Бу орада мен кўплаб қариндош, ва дўстларимизникида ҳамда айни пайтда Бразилияда ваъзхонлик ва ўқитувчилик қилаётган бўлам Ёҳаннес Я.Янценникида бўлдим. Хотинимнинг айрим қариндошлари билан ҳам қайта кўришдим. Якшанба кунлари черковда ва бошқа йиғилишларда нотиқлик қилдим. Ниҳоят, янгитдан тўлдирилган сафар халталарим билан Москвага бораётган йўлимни давом эттирдим. У ерда тўппа-тўғри биродарим Петер Фрёзе ва Корнелиус Ф.Классенларнинг идорасига бордим.

Шундай қилиб, Москвадан Авлиёотага юборилган ҳалиги саккиз "ҳукмдорлар"га қарши кураш бошланди. Биродарларим Фрёзе ва Классенлар менга бир ташкилотдан бошқа ташкилотга мурожаат қилиб боришимда яқиндан ёрдам беришди. Олий мартабали жанобларнинг бирортаси ҳам ўз партиядошлари 36 ҳолда большевистик қонунларга хилоф иш қилганликларидан гумонсираётгандилар. Бироқ улар колония комиссарларининг имзоларини ҳам тўхматга чиқара олмасдилар. Шунинг учун мен большевистик қонунларни ҳаддан ташқари суистеъмол қилганлар жавобгарликка тортилишини ва бизни мана шундай тазйиқдан озод этишларини қаттиқ туриб, талаб қилдим. Бундан ташқари ўқитувчиларимиз ҳам Сибирдан қайтарилиши керак эди.

Бир куни мен турган уйга уруш асири бўлган, Коминтернинг олмонча гапирадиган бир вакилини юборишди. У анча пўписа қилган бўлса-да, мен ўз фикримдан қайтмадим. Ниҳоят, Марказий қўмита ўша саккиз киши жавобгарликка тортилишини, ўқитувчиларнинг эса албатта қайтарилишини аҳд қилди. Шундан сўнг уйга қайтсам бўларди. Бироқ айтилган гапларни ёзма равишда беришларини сўрадим. Акс ҳолда уйга қайтиб кета олмаслигимни билдирдим. Хуллас, биродарларим Классен ва Фрёзе менга Марказий Қўмита ёзиб берган қоғозни олиб келиб беришди ва мен дарҳол уйга кетиладиган беш минг километрлик олис йўлга тушдим. Йўлда бу гал ҳам жуда кўп жойларда тўхтаб ўтиришимизга тўғри келди. Кўпгина воқеаларга гувоҳ бўлдим. Шундай қилиб, у ёққа бориб келишим олти ойча чўзилди.

Келган кунимоқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганларнинг ҳаммаси саккиз "ҳукумдорлар" томонидан зудлик билан йиғилишга чақирилдилар. Албатта, мен ҳам унда қатнашдим ва йиғилишни олиб борувчининг қаршисидаги биринчи қатордан жой олдим. У ўриндан туриб ҳамманинг топшириғига биноан мен улар устидан шикоят қилиб, Москвага борганлигимни хабар қилди. Унинг айтишича, мен у ерда бўлиб ўтган воқеаларни таърифлаб, кўрсатган зулмлари учун, улар суд олдида жавоб беришларини ва сўзсиз отилишларини талаб қилган эмишман. Улар эса менинг шикоятимни тўхматга чиқариб, бу тўғрида тушунтириш хати ёзган эканлар. Хуллас, мабодо жамоа уларнинг ушбу тушунтириш хатига имзо чекадиган бўлса, улар бемалол оқланишлари мумкин эди. Бунинг устига насроний ва ёвузликка қарши кишилар бўлганлигимиз учун ҳам, уларнинг ўлимга маҳкум қилинишларини талаб қилганлигим кўпчиликка маъқул бўлмаслиги маълум эди. Шуларни назарда тутиб, ҳалиги нотиқ бармоғи билан менга ишора қилиб, бу виждонсиз насроний Янтцендан ҳар нарсани кутиш мумкин, деб оғзига келган гапни гапираверди.

Унинг гапларини эшитган одамларимиз ҳайрон бўлиб қолдилар. Айримлар бундай бўлишини умуман кутмагандилар. Шу пайт мен ўрнимдан турдим-да, қўлимдаги баённомаларга ишора қилиб сўрадим: "Ҳурматли юртдошлар, қўлимдаги мана бу баённомалар ҳақиқийми, йўқми?"

"Албатта ҳақиқий" — деб бир овоздан жавоб қилишди ўтирганлар.

Кейин мен делегатлик мандатимни чиқариб, яна бир марта сўрадим: "Мана бу делегатлик мандатим ҳалиям ўз кучидами, ҳалиям мен сизларнинг делегатингизманми ёки бошқа бировни сайлаб қўйганмисизлар?"

"Йўқ, сен ўзинг бизнинг делегатимизсан. Бу тўғрида бошқа ҳеч гап бўлиши мумкин эмас".

Шундан сўнг мен саккиз айбланувчига қараб, дедим: "Эшитдингизми, буни?" Кейин йиғилганларга бурилиб, гапимни давом этдим: "Вакилингиз ва делегатингиз сифатида жамоа бошлиғи эканман, сизларга айтадиган гапларим шуки, энди уйларингизга тарқалинглар-да, хотиржамгина ўз ишларингиз билан шуғулланаверинглар". Сўнгра саккиз кишига яна бир марта мурожаат қилиб, дедим: "Шунинг билан йиғилишни якунлайман. Сизларнинг тақдирингизни ДСБ ҳал қилади. Эҳтимол, у сизларга нисбатан қандай чора кўриш кераклигини аллақачон белгилаб қўйгандир. Бунинг учун мендан эмас, ўзларингиздан ўпкаланглар".

Кейин залдан чиқиб, уйга кетдим. Эртаси куни эрталаб бир нечта ваъзхонларимиз "саккизов"раҳбари билан бирга келиб, менга ялина бошладилар. Раҳбардан зудлик билан ҳовлимдан чиқиб кетишини сўрадим. Кейин азиз биродарларим билан анчагина ўтириб, улар ҳалигиларнинг тушунтириш хатига имзо чекиб қўйган бўлсалар, биринчидан, ўз фикрларини инкор этган, иккинчидан эса, мени ўлим билан юзма-юз қилиб қўйган бўлишлари мумкинлигини тушунтирдим. Шундан сўнг улар ўз қишлоқларига қайтиб кетишди. Эртаси куниёқ саккиз "ҳукумдорлар" ғойиб бўлиб қолганликлари ҳақида гап тарқалди. Ўшандан кейин уларни ҳеч ким кўрмаган, ҳатто ДСБ ҳам.

Бир неча ҳафтадан сўнг ўқитувчиларимиз шимолдан қайтиб келиб, яна мактабларига жойлашишиб, ўз ишларини давом эттирадиган бўлишди. Мен ҳам округ комиссариатидаги ишларимни давом эттириш учун, яна шаҳарга қатнайдиган бўлиб қолдим.

ЯНГИ ЖАБР-ЖАФОЛАР

Ўша пайтларда мен хоҳлайманми-йўқми, барибир округ комиссариатида ўзимизнинг ва бошқа қишлоқларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи вакил бўлиб қолишга мажбур эдим. Умуман олганда, кўп ишларни амалга оширишнинг иложи бўлмасди. 1922 йил муҳтожликларга ва жабр-жафоларга бой йил бўлди. Ҳамма нарса мусодара қилиб олинган пайтда қирғизларнинг подалари ҳам тортиб олинганди. Натижада улар орасида катта очарчилик бошланиб кетди. Дала-ю даштларда, хуллас, ҳамма ерда очликдан ўлганларнинг мурдалари ётарди. Даҳшатли қирғин хавфи бизларни қийин аҳволга солиб қўйганди. Шундай бўлса-да, биз учун ҳеч ким қайғурмасди. Ўшанда пайғамбар Еремей баён этган 25, 32 ва 33-боблардаги гапларни қайта-қайта хаёлимдан ўтказардим. Унда қуйидагилар ўз ифодасини топган.

"Яҳова олмондагиларга бундай деди: Қаранглар, бахтсизлик миллатдан-миллатга ўтиб бормоқда. Бу аҳволда қиёмат қойим бўлиши турган гап. Ҳадеганда дунёнинг бир чеккасидан катта қирғин кўтарилиб, ер юзини мурдалар билан қоплайди. Улар йиғиштириб ҳам олинмай, ётган жойларида ер билан битта бўлиб қолаверадилар".

Ўша пайтлар менда қуйидаги саволлар пайдо бўлганди: Бу большевизмга тегишлимикин? Бу гаплар амалга ошадиган вақт етиб келдимикин? Бир неча йилдан сўнг барча динлар ва диний маросимлар таъқиқлаб қўйилиб, раҳбар кишилар даҳшатли ҳолда азоб бериб ўлдириладиган бўлиб қолганидан кейин, мен ўша гаплар ҳақида тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолгандим. Шу фикрларимни 1930 йилдан кейин дўстларим даврасида айтиб қолгудай бўлсам, уларнинг кўплари менга ачинганлар. Ўшанда ҳам бу гапларга ишонқирамай кулиб қўйганлар ҳам бўлган. Бугунги 1950 йилда эса, бу гапларга бировни ишонтириш қийин.

Ўша пайтда тарқалган терлама касаллиги катта-ю кичикка кўп машаққатлар келтирди. Қанчадан-қанча оилаларнинг ёстиғини қуритди. Ўн беш ёшли кенжа ўғлим Франц ҳам вафот этди. Ўзим эса икки болам билан бир неча ҳафта давомида тўшакда ётиб қолдим. Яхшиямки, кейинчалик соғайиб кетдик. Менинг севимли укам Абрам ҳам анча вақтгача шу касалликдан изтироб чекиб, вафот этди. Ўшанда лизандерхёлик (Самара губернияси) бурунги ўқитувчи, қадрдон устозимиз Франц Барч унинг қабри ёнида дуолар ўқиб, пайғамбар Ишаъё баён этган 57-бобнинг 1-оятидаги қуйидаги таъсирчан гапларни айтганди: "Тақводор бандаликни бажо келтирган экан, ҳеч ким буни кўнглига олмасин. Ваҳоланки, бу дунё кулфатлари туфайли, тақводор нариги дунёга равона бўлаётганлигини ҳар ким тушунмоғи лозим".

Укамнинг бева қолган хотини ва болалари қатори мен ҳам ундан айрилганимдан ўпкам тўлиб, жудаям ўксиндим.

Ўша очарчилик йиллари иккала жамоада ҳам ошхона қурдик. Ҳар икки кунда иккитадан бўрдоқи хўкиз сўйиладиган бўлди. Уларнинг гўшти қийма-қийма қилиниб, картошка, сабзи ёки тариқ билан биргаликда дошқозонларда пиширилади. 400-500 тача қирғизлар кунига икки маҳал шўрва билан таъминланардилар. Улар бўш турган омборлардаги сомон устида ухлашарди. Мунтазам равишда уларга Инжил ҳикоялари ўқиб бериларди. Шундай қилиб, улар Инжилни ўргана бошлашди. Айниқса, ҳаворий пир Юҳанно баён этган 16-бобни овқатдан олдин овоз чиқариб ўқийдиган бўлишди. Айрим ёшларимиз улар билан бу борада машғулотлар олиб боришарди. Баъзи вақтларда ўзим ҳам черковда нотиқлик қилиш, ибодат каби нарсаларни ўтказиш учун шаҳардан келардим. Мабодо келолмай қолсам, биродарларим Г.Региер ва Г.Р.Браунлар бу ишни бажаришарди.

(Давоми бор).

Дил чигалларини ёзади

Инсон табиат қўйнида юрганида ёки руҳий азоблар исканжасида қолганида, қалбини жўшқинлик ёки маъюслик, ёки тасалли эгаллайди. Юрагида у шоир бўлса шеър, рассом бўлса расм, оддий инсон бўлса фароғат ёки ширин азоб туғилади. Бу туғилиш инсонни поклайди. Дил чигалларини ёзади.

"Илҳом" театр студиясида расмлар кўргазмаси очилганига кўп бўлгани йўқ. Унда Маннон Уйғур номидаги театр ва рассомлик институти талабалари А. Муталов, А. Ким, М. Зоиров, Б. Обидов ва бошқаларнинг энг сара асарлари намойиш этилди. Уларнинг натюрморт, сюрализм, манзара жанрларида чизган асарлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотди.

Суратда: "Ниҳол" кўргазмасида

Д. АҲМАД суратлари.

ҲЕЧ БИРИМИЗ УНУТМАЙЛИК

Бизнинг жамоамизда, яъни Тошкент метрополитенида салкам 3,5 мингга яқин ишчи-хизматчи ва ходим меҳнат қилади. Уларнинг 63 фоизини ёшлар ташкил этади. Мана шу ёшларнинг бугунги кунда амалга ошираётган ишлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, улар кўп.

Ҳаммамизга маълумки, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг халқимизнинг миллий урф-одатлари, қадимий қадриятлари ва байрамлари қайтадан тикланиб, ўз қадрини топмоқда. Миллий байрамларимизни янада қизиқарлироқ ва мазмунли ўтказишда метрополитен Ёшлар Иттифоқи қошида ташкил этилган миллий чолғу ансамбли ва вокаль инструментал гуруҳларининг хизматлари катта бўляпти.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ёшларимиз қўпгина хайрли ишларни амалга оширишмоқда. Масалан, Ҳамза туманида жойлашган 30-сонли болалар уйи тарбияланувчиларига кийим-кечаклар, китоб ва ҳар хил ўйинчоқлар тақдим этишиб, болакайларнинг кўнглини кўтаришди.

Метрополитен ёшлар жамғармасининг иш бошлаганига эндигина икки йил бўлди. Мана шу қисқа вақт мобайнида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда анчагина ишлар амалга оширилди. Хизматчиларимизга ва уларнинг оила аъзоларига дам олиш учун имтиёзли йўлланмалар бериш, ёш оилаларга ва тўй-маъракага ўтказмоқчи бўлганларга моддий жиҳатдан ёрдам бериш шулар жумласидандир.

Корхонамиз ёш бўлса-да ўз касбига сидқидилдан меҳр қўйган, фидойи ва талабчан ёш мутахассислар талайгина. Жамоамизнинг кўзга кўринган илғор машинистларидан бири Комилжон Отабеков ёш бўлишига қарамай шу кунга қадар тўрт нафар шогирд тайёрлаб, уларга ўз касбининг сир-асрорларини пухта ўргатди. Шогирдлардан бири Дониёр Ҳамидов электропоездни тежамкорлик билан ҳайдаши туфайли ўрта ҳисобда 15 минг киловатт-соат электр энергиясини тежашга муваффақ бўлди. Мана бу ишни ёшларга хос ҳақиқий фидойилик деса бўлади.

Ҳозирги иқтисодий танглик шароитида ва собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши оқибатида ишимизда баъзи муаммолар мавжуд. Лекин шундай бир пайтда, метрополитен ёш ихтирочиларининг хизматлари таҳсинга лойиқдир. Чунки 150 дан ортиқ турдаги эҳтиёт қисм ва бошқа ускуналар ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бу ёш ихтирочиларнинг меҳнати жамоамиз аҳли учун беқиёс катта ёрдамдир.

"Яхши дам, меҳнатга ҳамдам", — дейишади. Ишчиларимизнинг бўш вақтларида маданий ҳордиқ чиқаришлари учун имкони борича барча шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Ётоқхоналаримиз атрофида спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозланган майдончалар қурилган. Қизиқувчилар учун футбол, қўл тўпи, бокс, баскетбол, теннис, оғир ва енгил атлетика каби тўгараклар эшиги ҳамиша очиқ. Яратилган бу қулайликлар фақатгина ишчиларимиз учунгина эмас, балки уларнинг оила аъзолари учун ҳамдир.



Тўлқин АРЗИЕВ,
Тошкент метрополитени Ёшлар Иттифоқи ташкилоти котиби.

«А»дан «Я»гача

Гул кўп, чаман кўп

УМР ДЕРЛАР

Кимдир эшик очар, кимлардир ёпар,
Кимдир малҳам бўлар, кимлардир қопар,
Кимдир сокин дарё, кимлардир чопар,
Кимлардир йўқотар, кимлардир топар,
Буни умр дерлар — кундузли, тунли.

Кимдир оёқ эмас — тил билан юрар,
Ким бўтадай бўзлар, кимлардир кулар.
Она ер шунданми, гоҳ титраб турар,
Қалбимни ларзага солмоқда шулар,
Буни умр дерлар — кундузли, тунли

Мен ҳам тақдир насиб этган йўлдаман,
Гоҳ висол боғида, гоҳо чўлдаман,
Гоҳ рақиб булути ёққан дўлдаман,
Гоҳ оёқ остида, гоҳо қўлдаман,
Буни умр дерлар — кундузли, тунли.

Рақибларим кўпу, шукр, омонман,
Ватан хизматига шайман ҳамон ман,
Дўстга дўст, ёвларга захми тиконман,
Умримнинг борича халқим томонман,
Буни умр дерлар — кундузли, тунли.

Аъзам АКРОМОВ.

ИЙМОН БИЛАН БЕЛИНГ БОҒЛА

Оғзинг очгин дурлар томсин лабларингдан,
Роҳат қилсин кўплар шаҳду шаккарингдан,
Бир ҳол сўра пойингдаги хорларингдан,
Ҳақни десанг ёруғ этар юзларингни.

Бу фоний дунёга келдинг дунё бўлиб,
Рози этай десанг ўтма рўё бўлиб,
Даҳр ичра юргин фақат гўё бўлиб,
Ибрат қилиб, қолдириб кет изларингни.

Ҳақ йўлида иймон билан белинг боғла,
Шеъру ғазал оташида кўнглинг чоғла
Девоналик ҳайратида қолсин соғлар,
Аллоҳ десанг равшан этар кўзларингни.

Мен Расулий бу йўлларда кўп йиқилдим,
Нодонларнинг ишларини ёмон билдим.
Жандаларни йиртиб, яхши замон келдим
Ибрат дема, тушунгин сан сўзларимни.

Султон РАСУЛИЙ.

ВИСОЛ

Сўлим сой кўзгусида
Юзини чаймоқда ой.
Икки соя жуфтлашар
Ялпиз ҳиди, хилват жой...

Сой қирғоқ лабин ялар..
Шалоплаб урар тўшин.
Барг мулойим шивирлар,
Булбул овози жўшқин...

Ёр рўмоли сирғалар,
Соч мушк ҳидин тарайди.
Кукулаган мусича
Ҳадиксираб қарайди.

МАНЗАРА

Сиз ўтган йўлакда бир бахтиқаро,
Ҳеч ким эшитмайди дил оҳларини.
Булутни тўзғитиб туманлар аро
Ой ташлади ғамгин нигоҳларини.

Эҳтиёткорона ташлайман одим
Этимни жунжитиб тун қилар зарда.
Кузакда попуги пасайган сойнинг
Юзида кўкимтир ойнали парда.

Тўмшайган осмоннинг қовоғи солиқ,
Вужудим титратиб бўлади кулмоқ.
Ойни иликкина бағрига олиб,
Тинмай совуқ тунда чекади булоқ...

Мўмин АВАЗ.

Сабабини билмасак-да...

ҲИКМАТ

ёхуд тирноқни қачон олган маъқул?

Донишмандлар ишорат қилишича, ҳар бир ҳаракатда маъно бор. "Мажмуат ул-аҳком"да айтилишича, душанба куни тирноқ олинса, хосиятсиз оқибатга сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, пайшанба куни ҳам тирноқ олиш кўнгилли бўлмайди.

Жума, шанба, якшанба кунлари бу юмуш билан машғул бўлмоқ аълодир — дейишади донишмандлар.

СОЧ ОЛДИРИШДА ҲАМ ҲИКМАТ КЎП

Соч олдиришга жаҳд қилмоқ учун шанба кўп маъқулдир, дейди донолар. Душанба, чоршанба ҳам кўнгилли кунлар, аммо якшанба куни соч олдирмоқнинг хосияти бўлмайди.

Сўниб қолган офтобму,
Бунча оғир копток бу?
Калла десам юзи йўқ.
Қараб турган кўзи йўқ.
Ошқовоқму, кадиму,
Билолмадим надир бу?

Бу сувратни ғаладонда қоришиб ётган расмлар, ёзишмалар орасидан топиб олганимизда, буни Марғилоннинг Қоражийда қишлоғида яшовчи М. Юсупов юборганлигини билдик. Лекин қачонлиги номаълум. Шунинг учун ҳам тахмин қиламизки, сувратдаги гўдак улғайиб, бу кун йигитча бўлиб қолгандир, бу юмалоқ нарса нима эканлигига жавоб топгандир.

М. ЮСУПОВ олган сурат.

НИЯТИНГГА ЕТ, АБДУЛАТИФ

Ўринов Абдулатиф — 1969 йил Қашқадарё вилоятининг Оппон-Соппон қишлоғида туғилган. 1992 йил Низомий номли ТДПИни битирган. Ҳозир Анқара Гази Ижтимоий фанлар институтининг магистри.

Нияти 1998 йилги Франциядаги чемпионатдан ўзбекча репортаж олиб бориш. Шу мақсадда Жаҳон чемпионати тарихини ўрганяпти.

Қуйида изланишлари натижаси бўлмиш айрим маълумотларни эътиборингизга ҳавола қилаяпти.

ШУНАҚА ГАПЛАР

... Оғирлиги 4970 грамм, бўйи 36 см бўлган Жаҳон Кубоги Тулиэс Гумет Кубоги ҳам деб аталади. Бразилия 1970 йил (Мексика) учинчи марта Жаҳон чемпиони бўлгани муносабати билан абадий Тулиэс Гумет Кубогини эгаси бўлган.

***

Жаҳон Кубогининг илк голини француз Лусиэнг Лаурект урган. 1930 йилги (Уругвай) 1-чемпионатда Франция — Мексика учрашувининг 19-минутида Жаҳон чемпионатининг ҳисоби очилган.

***

1934 йилги (Италия) Жаҳон чемпионати финалларига қатнашган Чехословакия командаси фақат икки клубдан "Спарта" (Прага) ва "Славия" (Прага) футболчиларидан иборат эди. Бунчалик оз клубдан танланган терма команда билан бошқа ҳеч бир жамоа чемпионатга қатнашмаган.

***

Тўрт футболчи жаҳон чемпионатларида икки бошқа бошқа жамоалар таркибида ўйнаган. Йоса Алтафини (1958 Бразилия, 1962 Италия), Луис Монти (1930 Аргентина, 1934 Италия), Ференс Рускас (1954 Венгрия, 1962 йил Испания) Йосе Сантамария (1954 Уругвай, 1962 Испания).

***

1990 йилда Италияда бўлиб ўтган чемпионатда Олмония — Аргентина орасидаги финал ўйинида Брехменининг жамоасига чемпионлик келтирган пиналти голи Кубок тарихининг 1443 голи эди. Дунё Кубогининг 1000-голини 1978 йилда голландиялик Ренсенбринк урган.

***

Бошқа қитъада Жаҳон Кубогини олган ягона команда Бразилиядир. 1958 йил Швецияда бўлиб ўтган финалда бу бахтга муяссар бўлган. "Қора дурлар"нинг муваффақияти бошқа командаларга насиб қилмаган.

***

1966 йилги Англия чемпионати бошланишига уч ой қолганда Жаҳон Кубоги Вестминстерда турган жойидан ўғирланди. Аммо Писклесс лақабли шотланд Ярд ити Кубокни Лондон шаҳрининг чекка кўчаларидан биридан топди. Кубок ким тарафидан ўғирланганлиги ҳали аниқланмаган.

***

Олмония — Англия (2—4) орасидаги 1966 йилги Жаҳон Кубоги финалида (Англия) Геофф Курст — учта гол урган. Бу машҳур "хит-трик"лик ҳозиргача бошқа футболчига насиб қилмади.

***

Бугунгача ҳеч бир жамоа сардорига икки марта чемпионлик насиб қилмаган. Марадона командаси 1986 йил чемпион бўлди, 1990 йил иккинчи ўринни олди холос. Олмон Румминигге сардор ролида икки марта финалга чиқди, лекин...

***

Бразилиялик Марио Загало 1958 ва 1962 йилларда футболчи ролида, 1970 йилда мураббий сифатида командасига чемпионликни қозонтирди. Бу муваффақиятга ҳали ҳеч ким эришмаган.

***

Мексикалик Антонио Сарбожалнинг рекордига эришиш қийин. Сарбожал 1950, 1954, 1958, 1962 ва 1966 йилги жаҳон чемпионатида Мексика Миллий командасини дарвозасини қўриқлаган.

***

Жаҳон кубоги финалларида 1954 йилда 27 та гол урган Венгрия Жаҳон чемпионатида энг кўп гол урган жамоа номини олган. Бу йилги чемпионатда ҳам бу рекорд янгиланмади.

***

Жаҳон Кубоги мусобақаларида илк допинг можароси 1954 йил Венгрия ва Олмония (3—2) ўртасидаги финал ўйинида бўлган. Олмония терма командасининг допинг қўллаганлиги ҳақидаги тортишув исботланмади.

Иккинчи марта эса шотландиялик футболчи Жардине допинг қўллаганлиги учун ўйиндан четлаштирилди.

***

Унутилмас футбол юлдузи Пеле Жаҳон Кубогига эга бўлган энг ёш ўйинчидир. 1958 йил Швециядаги чемпионатда Бразилия чемпион бўлганда Пеле 18 га ҳам тўлмаган эди.

***

Швецариялик Алфред Нинел ва швециялик Эрик Нильсон Иккинчи Жаҳон урушидан олдин ва кейин жаҳон чемпионатида ўйнашга муяссар бўлган. Бу икки футболчи 1938 ва 1950 йил чемпионатларида қатнашган

***

Чемпионатда илк бор қатнашган мусулмон давлат Мисрдир (1934 йил). Рақиблар дарвозасига гол урган мусулмон давлат Туркия. 1954 йилги чемпионатда Олмонияга 4-1 енгилган бўлса ҳам бу бахтга муяссар бўлган. Чемпионатда 1-бўлиб 2-турга чиққан мусулмон давлат Марокашдир (1986).

***

1978 йилги чемпионатда голландиялик футболчи Ханнинг Италияга (2-1) урган голида мутахассислар тўпнинг соатига 120 км/соат тезлик билан кетишини аниқлашган.

***

1994 йилги жаҳон чемпионатининг маскоти (рамзи) Стрихер танловда қатнашган 25000 дан ортиқ маскотлар орасидан танлаб олинган.

***

Милутинович ва Парриера 3 чемпионатда учта бошқа — бошқа жамоага мураббийлик қилган. Милутинович 1986 йил Мексика, 1990 Коста-Рика, 1994 АҚШ, Парриера эса 1982 Қувайт, 1990 Бирлашган Араб Амирликлари, 1994 Бразилия. Шуниси қизиқки Парриерага 2 марта чемпионлик насиб қилди. 1970 йил футболчи сифатида чемпион бўлган Парриера 1994 мураббий сифатида бу бахтга муяссар бўлди.

***

Марадона 1986 йилги чемпионатда Англия дарвозасига қўли билан гол урган. 1990 йилги чемпионатда дарвозасига кираётган тўпни қўли билан қайтариб қолган (СССР), 1994 йилги допинг қўлланган (Нигерия).

***

1994 йилги Жаҳон чемпионата хуштак чалган 24 ҳакамнинг 23 таси спортчи эмас. Фақат олмониялик Ҳелмут Круг жисмоний тарбия ўқитувчисидир.

Газета саҳифаланаётганда

ҲАНДАЛАК ҲИДЛИ... БОДРИНГЛАР!

Шу йил ҳовлимизда чопилган ерга жўяк олиб ярмига бодринг, ярмига ҳандалак экдик. Ҳандалак ҳам, бодринг ҳам бирдек ривожланиб гулга кирди. Бодринг тез ҳосил тугиб, ейдиган бўлди. Ҳандалак ҳам гуллаб ҳосилга кирди. Бир куни сомон тўплаётганимизда тушлик учун далага бодринг олиб бормоқчи бўлиб, жўяк ораладим ва ҳандалак палагига яқин жойда ўсиб етилган бодрингларидан териб олдим. Ё ажаб! Далага боргач, ғалати бир янгиликнинг гувоҳи бўлдик. Бодринглардан ҳандалак ҳиди келарди! Пўчоғини арчиб есак ҳам ҳандалак ҳиди димоқларни қитиқлаб тураверди... Табиатнинг саҳийлигига қаранг!

Йўлдош ОДИЛОВ,
Паркент тумани, ўқитувчи.

Бўлди ажиб ҳангомалар

ТИЛАНЧИГА... МАСАЛА БЕР!

Математика ўқитувчисининг аёли эрига деди:

— Василий! Анови тиланчи сил қилиб юборди. "Инсофларинг борми, бирон нима берсанглар-чи", деяпти.

— Бирон нима... бирон нима... Холодильник ҳувиллаб ётибди-ю. Бирон нима... Ҳа-а, геометриядан бир-иккита масала бериб юбор...

***

— Ҳаммаси равшан,— деди ҳаким беморга.— Клептомания қийнаяпти сизни.

— Бу қандай дард ўзи?

— Ўғирликка мойиллик дарди.

— Нима, шунақа дардга чалинибди, деб ёзасизми ҳали?

— Қанақасига ёзай, қачонки ручкамни олиб, аллақачон чўнтакка урган бўлсангиз.

***

— Леонид Ильич,— деди Косигин Брежневга.— Халқ норози.

— Нега?

— Арақ қопқоғини "қулоқча"сиз ясай бошлашибди-ю.

— Яхши, бу масала билан шуғулланамиз,— деди Брежнев, Косигин кетгач, бориб холодильникдан арақ олди-да, қалпоғини бураб очди, уни қуяр экан, "ҳайронман,— деб ўйлади,— бунга "қулоқча" нега керак экан?".

***

— Шу эрталаб соатнинг жиринглаши худди биров отгандай таъсир қилади-да.

— Ирғиб туриб кетасанми?

— Қаёқда. Ўққа учган одамдай яна тош қотиб қоламан.

***

— Воажаб! Товуқларингиз девордан ошиб ўтиб гулларимни чўқиб ташлабди-я.

— Э-э, бунинг нимасига ажабланасиз, сизнинг гулларингиз девордан ошиб ўтиб, менинг товуқларимни чўқиб ташласа, ҳайрон қолса бўларди.

***

Бир ҳунарманд икки ой уннаб, очиш маҳол ўлган қулф ясади, уни эшигига ўрнатган куннинг эртасига уйига ўғри тушди, ҳамма ёқни шип-шийдон қилган ўғрилар шундай хат қолдиришди: "Ўзингизга ҳам, бизга ҳам ортиқча қийинчилик туғдириб нима қиласиз, хўжайин!"

Русчадан таржима.

ХАНДАЛАР

— Ишонасизми, менга шахсан шаҳар ҳокимининг ўзи телефон қилди?..

— Йўғе... Ҳўш нима деди у?

— Ҳеч нарса. Телефон номерини нотўғри терибди.

***

Хасис одам машина олмоқчи бўлиб, сўрабди:

— Машинангиз қанча бензин ейди?

— Бир қошиқ,— деб ҳазиллашибди эгаси.

— Шундай денг...— деб бир оз ўйлагач хасис,— ош қошиқдами, чой қошиқдами?— деб сўрабди.

***

— Хотиним менга ҳар куни энгашволиб ялинади...

— Нима деб?..

— "Диванни тагидан чиқ, номард" дейди.

***

140 ёшли отахондан сўрашибди:

— Бундай улуғ ёшга қандай қилиб эришдингиз?

— Айб мендамас,— дебди шошиб қолган отахон,— Айб бошпуртимга 100 ёш қўшиб юборганларда...

***

— Сувратингизда қурувчилар умуман ишлашмаяпти-ку?

— Шунинг учун ҳам у табиий-да.

***

— Энди билдим, хотиним мени алдар экан.

— Буни қаердан билдинг?

— У "мен кечқурун дугонам Гулиникида эдим" деди. Ваҳоланки кечқурун Гули билан мен бирга бўлган эдим.

***

— Азизим, бугун тўйимизга 25 йил бўлибди. Кел, шу санани одаттагидан бошқачароқ нишонлаймиз.

— Хўп. Бир дақиқа сукут сақлаймизми?

Хайрулла ҲАМИДОВ

КЕЛГУСИ СОНДА:

- **ДЕВОРДАГИ ЁЗУВ**
- **КЎЗ ОЧГАН БУЛОҚЛАР**

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

ЎЗ УЙИГА ТУШГАН ЎҒРИ

Иштихон туманининг Бобур номидаги жамоа хўжалигидан қарийб уч центнер ғалла ўғирланди. Милиция ходимларининг тезкорлик билан изланишлари натижасида ўғри топилди. У шу хўжалик аъзоси, Кали қишлоғида истиқомат қиладиган киши экан. Ўз уйига ўғирликка тушган бу одам энди қонун олдида жавоб беради.

ҚУРОЛЛАНГАН БУФЕТЧИ

Бухоро тумани худудида ДАН назоратчилари "Жигули" автомашинасини тўхтатишди. Машина эгаси — ресторанлардан бирида буфетчи бўлиб ишлайдиган одам машинасига жанговар граната, патронлари билан ов милтиғи солиб олган экан. Бу куроллар унга нима учун керак, унинг асл нияти нима эди, деган саволларга энди у терговда жавоб беради.

чевар қўлларинг дард кўрмасин, бокира аёл

HUBERT HUMPHREY FELLOWSHIP PROGRAM
FOR 1995–1996 ACADEMIC YEAR

The embassy of the United States of America (usis Tashkent) announces the Hubert Humphrey fellowship program for the 1995-1996 academic year.

Winners of the Hubert Humphrey fellowships will travel to the United States for a year of academic and professional work.

Humphrey fellowship applicants should be mid-career professionals in leadership positions who have the required experience/skills and who possess potential for advancement in there professions.

Fellows should be polisy - rather tnan research- or technically- oriented, with a minimum professional experience of five years.

Participants from all regions of the country and well-qualified female candidates are welcome to apply.

Fellowships are granted competitively to public- and private-sector candidates with a commitment to public service in the fields of:

agricultural development;
educational planning;
public health policy/management;
public administration;
economic development;
finance and banking;
communication/journalism;
natural resources/environment;
human resource management;
technology policy;
urban and regional planning;
drug abuse research.

Applicants are asked to complete a copy of the form available at American embassy (Chilanzarskaya ul., 82, 700115 Tashkent, Uzbekistan; tel.: 77-14-07, 77-11-32).

The application form must be returned to the embassy no later than october 14, 1994.

The strong candidates will be invited to english language testing, and at the time of preliminary selection in october 1994 must have a score from the test of english language proficiency (telp) no lower than 500.

Results of the competition will be conveyed to winners by mid-march 1995

Ие, йўғ-е, наҳотки?!..

КИМ КЎП ХОТИН ОЛГАН?

Некрасов шеър ёзишнигина эмас, уйланишни ҳам қойил қилиб уддалаган. Етти марта хотин олган у, ҳатто охирги танмаҳрами камбағалнинг ёшгина бесавод қизи эканлигига қараб ўтирмаганУттизинчи йилларда ҳарбий командири Авкинтьсвский 13 марта уйланган. Ишонсангиз, сўнгги жуфти ҳалоли билан телефон орқали никоҳдан ўтган. Буни қарангки, уларни ажралиши ҳам... телефон орқали бўлган.

ЖИНОЯТГА МУНОСАБАТ

Беш минг динор (12 доллар)дан зиёд қийматга эга мулкни ўғирлаган ўғрининг Ироқда қўлини чопишади.

Агар у яна шу ишга қўл урса, оёғини кесиб ташлашади. Ўғри қуролланган ҳолда жиноят устида қўлга тушса борми, суд-пуд қилиб ўтирмай отиб ташланади.

Хитойда эса контрабандага аралашгани учун шаҳар фирқа қўмитаси котиби ва учта полициячи қатл этилган.

АРОҚХЎРЛАР ҚИШЛОҒИ

Оренберг вилоятида энг кўп ичувчи қишлоқлардан бири Қизил дала (Красная поляна) экан. Қишлоқ аҳли маош ёинки нафақани олибоқ ялпи ароқхўрликни бошлаб юборар экан, токи пул тугагунча.

Шу жойдаги ишлаб чиқариш хўжалиги директори Владимир Литвинов қишлоқдошларига раҳми келиб "Ичишни тўхтатинглар — хароб бўласизлар буткул", дебон мурожаат этмоқда.

7 МИЛЛИОН ЗАРАР

Коми Республикасида муҳаббат қимматга тушади. Бир аёл ўз эрини бир хонимнинг уйида тўшакда ушлаб олади, Сочи тикка бўлган қонуний "аёли" хонимнинг идиш-товоқларию, диван, стулларини, шунингдек телевизорини ҳам синдириб ташайди.

АЁЛНИНГ ЭСИ...

Ростов — Дон шаҳрида яшовчи бир аёл ҳеч қаерга ишонмай бир ярим минг долларини ҳожатхона туваги ичига яшириб қўйган экан. Кейин вақт ўтган. Хоним хотирасидан доллар кўтарилибди. Кунлардан бир кун суви тўлиб қолган ҳожатхонага икки сантехник келиб ҳалигини топиб олишади. Буни билиб қолган хоним милицияга хабар қилди. Милиция бойвачча сантехниклардан пулни эгасига қайтарди.

Мурод ШАМБАЕВ таржимаси.

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012. Буюртма Г — 1097 39111 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6.